

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АШИРМАТОВ ҲАЁТ ХАЙТОВИЧ

**ҲОЗИРГИ ЗАМОН НАНОТЕХНОЛОГИЯЛАР ТАРАҚҚИЁТИНИНГ
СИНЕРГЕТИК ТАҲЛИЛИ**

09.00.01 – Онтология, гносеология ва мантик

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2020

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
philosophical sciences**

Аширматов Ҳаёт Хаитович

Ҳозирги замон нанотехнологиялар тараққиётининг синергетик

таҳлили 3

Аширматов Ҳаёт Хаитович

Синергетическое анализ современного системы нанотехнологии 21

Ashirmatov Hayot Xaitovich

The synergetic analysis of the field of modern nanotechnogies 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 43

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АШИРМАТОВ ҲАЁТ ХАЙТОВИЧ

**ҲОЗИРГИ ЗАМОН НАНОТЕХНОЛОГИЯЛАР ТАРАҚҚИЁТИНИНГ
СИНЕРГЕТИК ТАҲЛИЛИ**

09.00.01 – Онтология, гносеология ва мантик

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/Fal374 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Тураев Бахтиёр Омонович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Шермухаммедова Нигина Арслановна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Очилов Жамшид Абдурашидович
фалсафа доктори (PhD), доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент транспорт университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.F.02.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40; e-mail: rektor@samdu.uz Самарқанд давлат университети Тарих факультети, 1-қават, 105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ ___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40.

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

С.К.Каримов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
фалсафа фанлари доктори, профессор

Х.А.Джуракулов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби,
фалсафа доктори (PhD), фалсафа ф.б

С.А.Чориев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,
фалсафа фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ижтимоий-иқтисодий ва экологик муаммолар тобора кучайиб бораётган бугунги кунда анъанавий ёндашувлар ўз аҳамиятини йўқотиб, янги ёндашувларга эҳтиёж юзага келмоқда. Бунда фан ва технологиянинг муҳим истиқболли йўналиши – нанофан ҳамда нанотехнологиялар имкониятларидан фойдаланишга интилиш ҳам кучайиб бормоқда. Хусусан, саноатда маҳсулот сифатини ошириш, ишлаб чиқариш ҳаражатларини камайтириш, ортиб бораётган ижтимоий эҳтиёж ва талабларни қондириш, самарали ахборот-коммуникация технологияларини яратиш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда экологик муаммоларни бартараф этишда нанотехнологияларга эътибор кучайиб, уни ижтимоий-маданий борлиқнинг муҳим таркибий қисми сифатида тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда фан ва технологияларнинг ривожланиши “нанотехнология” деб аталган замонавий тадқиқот йўналишини юзага келтирди. XX асрнинг сўнгги ўн йиллигида шакллана бошлаган нанотехнологиянинг тушунча ва категориялари, тадқиқот усуллари ўзининг аниқ изоҳларини талаб эта бошлади. Шунингдек, нанотехнологиялар ижтимоий-маданий тизимнинг махсус компоненти сифатида ривожланиб инсон ва жамият ҳаётининг турли жабҳалари билан интеграцияга киришмоқда. Шу боис, фалсафада нанотехнологиялар соҳасини ижтимоий-маданий борлиқнинг махсус шакли сифатида унинг моҳияти ва ривожланиш қонунларини тадқиқ этиш, нанотехнологик тафаккурнинг алоҳида усули сифатида афзалликларини асослаш ҳамда нанотехнологияларнинг инсон ва жамият ҳаётига таъсирини синергетик нуқтаи назардан таҳлил этиш эҳтиёжи туғилди.

Мамлакатимизда бугунги кунда ахборот технологияларини ижтимоий ҳаёт ва ишлаб чиқаришга кенг тадбиқ этилиши инсоннинг нанотехнологиялар олами билан кенг миқёсда мулоқотга киришишига имкониятлар яратмоқда. “Мамлакатимиз ва жамиятимизнинг замон талаблари даражасида ривожланишини илм-фансиз тасаввур қилиш қийин. Илм-фан тараққиётида фундаментал тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади. Айнан улар орқали янги билимлар ўзлаштирилади ва назариялар шакллантирилади, келгуси амалий тадқиқотлар ва инновацион ишланмалар учун мустаҳкам асос яратилади”¹. Бундай ҳолатда жамиятнинг фан ва техника тизимларида, таълим ва соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя, ахборот-коммуникация соҳаларида нанотехнологиялар имкониятларидан фойдаланиш муҳим ўзгаришларга олиб келмоқда. Шу боисдан ҳам бундай мураккаб ўзгаришларни синергетика принципларига таянган ҳолда чуқур ўрганиш ва таҳлил қилиш муҳим методологик аҳамият касб этиб, синергетик парадигма мазкур жараёнларга доир турли муҳим йўналишларнинг муқобил принципларини очиб беради.

¹ Мирзиёев Ш.М. Илм-фан ютуқлари – тараққиётнинг муҳим омили: (Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг – 2016 йил 30 декабрь куни мамлакатимиз етакчи илм-фан намоёндалари билан учрашувида сўзлаган нутқ) // Халқ сўзи. – 2016.-31 дек. –Б.1.2017.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармонининг 4-устувор йўналишидаги 4.4 банди, 2018 йил 3 июлдаги ПҚ-3832-сон “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 18 майдаги ПҚ-4321-сон “Рақамли иқтисодиёт ва “электрон ҳукумат” тизими инфратузилмаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2020 йил 28 апрелдаги ПҚ-4699-сон “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонуни ҳамда мазкур фаолиятларга тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” номли устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Био ва нанотехнологиялар соҳасида ҳозирги кунда амалга оширилаётган тадқиқотлар жаҳоннинг кўплав давлатларида ва республикамиз миқёсида кузатилса-да, бироқ нанотехнологияларнинг фалсафий таҳлили, унинг келиб чиқиши, ривожланиш босқичлари, соҳа тараққиётининг синергетик таҳлил жараёнлари, моҳият ва амалий аҳамияти ҳақидаги билимлар тўпланиб, яхлит бир ҳолга келтирилган эмас. Даниэль Ратнер, Ж.Голбрайт, Кобаяси Наоя, Марк Ратнер, Норио Танигучи, С.Чейз, Т.Веблен, У.Отборн, Эрик Дрекслер¹ каби хориж олимлари нанотехнологиялар соҳаси хусусида бир қатор фикрларини билдириб ўтишган.

МДҲ олимларидан В.А.Черногорова, Г.Г.Малинецкий, И.В.Мелихов, П.Н.Дьячков² ва бошқа олимлар илмий изланишлар олиб боришган.

Республикамиз миқёсида мазкур соҳа юзасидан бир қатор олимларимиз ҳам илмий изланишлар олиб боришмоқда. Жумладан, А.К.Ташатов, Б.Е.Умирзаков, Д.А.Тошмухаммедова, М.Т.Нормуродов³, Б.Раҳмонов, Иброҳим Каримов, Р.Бекмирзаев, Ш.Қўшоқов⁴, Б.О.Тураев⁵,

¹Марк Ратнер, Даниэль Ратнер Нанотехнология: простое объяснение очередной гениальной идеи = Nanotechnology: A Gentle Introduction to the Next Big Idea. — М.: «Вильямс», 2006. — С. 240. — ISBN 0-13-101400-5

²Малинецкий Г.Г. Нанотехнологии. От алхимии к химии и дальше// Интеграл. 2007, № 5, с.4-5.

³Умирзаков Б.Е, Нормуродов М.Т, Тошмухаммедова Д.А, Ташатов А.К. Наноматериалы и перспективы их применения. –Т.: MERIYUS, 2008. –256 с.

⁴Раҳмонов Б. Синергетика ва инсоннинг ўз-ўзини ташкиллаштириш методологияси // Синергетика: ривожланиши ва истикболлари. Республика илмий анжумани материаллари. –НамДУ, 2010. –Б.167.

⁵Тураев Б.О ва бошқ.Синергетика: моҳияти, қонуниятлари ва амалиётда намоён бўлиши. –Т.: “Наврўз”, 2017. 286-б.

Н.А.Шермухаммедова¹, сингари олимлар нанотехнологияларнинг бугунги кундаги аҳамияти тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтганлар.

Биз эса мазкур тадқиқот ишида ҳозирги замон нанотехнологияларни ижтимоий-маданий борлиқнинг муҳим таркибий қисми сифатида моҳияти, аҳамияти ва ривожланиш хусусиятларининг синергетик таҳлили, нанотехнология тушунчаси ва мазмун-моҳиятининг фалсафий талқини, мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш мақсадида амалга оширилаётган ислохотларга нанотехнологияларни кенг жалб этиш зарурати, унинг бугунги кундаги тараққий этиш суръатлари қай даражада эканлиги хусусида мулоҳаза юритишга эътибор қаратдик.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот мавзуси Самарқанд Давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 2016-2020 йилларга мўлжалланган “Илмий тадқиқот фаолиятини ривожлантириш ва илмий салоҳиятни оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар дастури” доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади нанотехнология тушунчасининг моҳияти, унинг илмий-назарий асослари, онтологик ва гносеологик жиҳатларини синергетик таҳлил этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

“нано” ва “нанотехнология” тушунчаларининг мазмун-моҳиятини ўрганиш;

ҳозирги замон нанотехнологиялар соҳаси тараққиётини синергетик нуқтаи-назаридан таҳлил этиш;

Республикамиз миқёсида нанотехнологияларни жамиятнинг барча соҳаларига тадбиқ этишнинг зарурлигини тушунтириш;

нанотехнологияларнинг қулайликлари, имкониятлари, ижобий ва салбий томонлари, шу билан бир қаторда истикболдаги аҳамиятини кўрсатиб бериш;

нанотехнологияларни ҳаётга тадбиқ этишнинг йўллари ва усулларини аниқлаб бериш;

жаҳондаги тараққий этган давлатлар қаторидан муносиб ўрин олишда нанотехнологиялар имкониятларидан фойдаланишнинг зарурлигини кўрсатиб ўтиш;

нанотехнологияларни таълим, иқтисодиёт, тиббиёт, қишлоқ хўжалиги соҳаларига тадбиқ этишнинг самарадорлигини аниқлаб бериш.

Тадқиқотнинг объектини ҳозирги замон нанотехнология тараққиёти туфайли рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ҳодисалар ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети нанотехнологиялар тараққиёти туфайли рўй бераётган жараёнларни синергетик методология асосида тадқиқ этиб, унинг келиб чиқиши, ривожланиши ва истикболдаги ролини ўрганишдан иборат.

¹ Шермухаммедова Н.А. Гносеология — билиш назарияси. –Т.: “Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти” нашриёти, 2011. -317-б.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда синергетик таҳлил, тарихийлик ва мантиқийлик, анализ ва синтез, индуктив ва дедуктив хулоса чиқариш каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

“Нанотехнология” тушунчасининг онтологик (нано объектларнинг фазо-вақт ўлчамига, кўламига, ўзгаришга эгаллиги) ҳамда гносеологик (унинг хоссаларини тегишли асбоблар воситасида билиш, ўрганиш, бошқариш мумкинлиги) хусусиятлари синергетик парадигма ва методлар асосида очиб берилган;

ҳозирги замон нанотехнология имкониятлари ва ютуқларидан мамлакатимизда таълим бериш, фан ва ишлаб чиқариш тармоқларини ривожантиришда фойдаланиш истиқболлари синергетик аттрактор тамойилининг ўзини ўзи ташкиллаштириш концепцияси воситасида далилланган;

нанотехнологиянинг мазмун-моҳиятини очишда мазкур категориал тушунчанинг ижтимоий-фалсафий жиҳатлари синергетик методологиянинг барқарорлик ва беқарорликнинг узвий бирлиги қонунияти воситасида асосланган;

нанотехнологияларнинг келиб чиқиши, тарихий илдишлари, шаклланиш ва ривожланиш босқичлари синергетик конвергент технологиялар (NBCS-нано-био маълумотлар ва когнитив-социал мазмун) асосида аниқланган;

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

нанотехнологиялар тараққиётдан агротехник ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида фойдаланиш имкониятлари (генетик ўзгартирилган озиқ-овқатлар мисолида) кўриб чиқилган;

нанотехнологияларни геронтология ва тиббиёт соҳасига тадбиқ этиш орқали катта ютуқларга эришиш мумкинлиги исботланган;

ҳозирги замон нанотехнологиялар тараққиётдан ишлаб чиқариш, саноат ва экология соҳаларига жорий этилиши яхши самарадорлиги асосланган;

нанотехнологиялар кибернетик тараққиёт, коинотни ўзлаштириш ва ақлли яшаш муҳитини яратиш орқали инсоният фаровонлигини таъминлаш мумкинлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган воситалар ва усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий ёндашувлар, расмий манбалардан олингани, ўтказилган тадқиқотларнинг мантиқийлик, анализ ва синтезга таяниб, фалсафий-тарихий, назарий, эмпирик ва экспериментал фактларга асослангани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар ва муассасалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, ҳозирги замон нанотехнологиялар тараққиётини синергетик таҳлил қилиш муаммоси янгича илмий дунёқарашни шакллантиришда, шунингдек, тадқиқот натижаларидан “Миллий ғоя ва ҳаракатлар стратегияси”, “Фалсафа”, “Глобаллашув

асослари”, “Техника фалсафаси”, “Фанларнинг фалсафий масалалари” каби фанларни илмий-назарий жиҳатдан бойитиш ва такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса, Республикамиз олимлари ва мутахассисларининг амалий ишланмаларини, нанотехнологик тадқиқотлар кўламини кенгайтиришда, жамият соҳаларига инновацион ғоя ва технологияларни жорий қилиш, инновацион таълим тизимини такомиллаштириш, инновацион билим даражаси, ижодий фикрлаш салоҳиятини такомиллаштириш ва юксалтиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишда ҳамда дарслик ва ўқув қўлланмаларни тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ҳозирги замон нанотехнологиялар тараққиётини синергетик таҳлил этиш ва уларнинг ижтимоий-тарихий омиллари ҳамда ахлоқий, фалсафий моҳиятини ўрганиш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

“Нанотехнология” ва “Нанотехнологиялар соҳасининг илмий-амалий ютуқлари” тушунчалари, таърифлари, уларнинг ижтимоий-фалсафий моҳияти, умумметодологик асослари ва ўзига хос хусусиятларига оид таклиф ва тавсияларидан А.Ж.Холбеков раҳбарлигидаги 2018-2020 йилларга мўлжалланган ПЗ-20170930396 рақамли “Глобаллашув шароитида жамият ҳаётини демократлаштириш жараёнидаги маънавий – ахлоқий кадриятлар ривожини тадқиқ қилиш” мавзусидаги амалий лойиҳа ижросида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлигини 2019 йил 3 июлдаги 89-03-2676-сон маълумотномаси). Натижада, ёшларнинг илм-фанга бўлган интилишини кучайтириш, ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилган;

ҳозирги замон нанотехнология имкониятлари ва ютуқларидан мамлакатимизда таълим бериш, фан ва ишлаб чиқариш тармоқларини ривожантиришда фойдаланиш истиқболлари синергетик аттрактор тамойилининг ўзини ўзи ташкиллаштириш концепцияси воситасида далилланганлигига оид таклиф-тавсияларидан Жиззах вилоят “Истиқбол” минтақавий тадқиқот марказининг “Ижтимоий муаммоларни ҳал этишда ижтимоий шерикликни кучайтиришнинг инновацион йўллари жорий этиш” мавзусидаги 57-11/78 рақамли грант лойиҳасининг “Соғлиқни сақлаш соҳасини инновацион ривожлантириш бўйича таҳлилий тадқиқот олиб бориш ва тегишли таклифлар бериш” номли 3-бандида кўзда тутилган вазифалар ижросида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Жиззах вилояти “Истиқбол” минтақавий тадқиқот марказининг 2019 йил 26 июлдаги 21-сон маълумотномаси). Натижада, ҳозирги замон нанотехнологияларни жалб қилиниши иқтисодий ва ижтимоий ҳаётда энг муҳим силжишларга олиб келишига хизмат қилган;

нанотехнологияларнинг мазмун-моҳиятини очишда мазкур тушунчанинг ижтимоий-фалсафий қирраларини синергетик методологиянинг барқарорлик ва беқарорлик диалектикаси асосида таснифланганлигига оид таклиф ва тавсияларидан Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш

мустақил институти Жиззах худудий бўлинмаси ташаббуси билан тайёрланган, Жиззах вилояти телевидениеси томонидан 2014 йилнинг 14 сентябрида эфирга узатилган “Бугуннинг гапи” кўрсатуви сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Жиззах худудий бўлинмасининг 2019 йил 10 сентябрдаги 20/09-01-сон маълумотномаси). Натижада, Ўзбекистонда бу соҳанинг ривожлантирилишининг ижобий томонлари ва бажарилиши лозим бўлган аниқ ишлар юзасидан кўрсатувда муҳокама этилган масалаларни очиб беришда асосий манба сифатида хизмат қилган;

нанотехнологияларнинг келиб чиқиши, тарихий илдизлари, шаклланиш ва ривожланиш босқичлари синергетик конвергент технологиялар (NBCS-нано-био маълумотлар ва когнитив-социал мазмун) асосида аниқланганлигига доир таклиф ва хулосаларидан Жиззах вилоят “Истиқбол” минтақавий тадқиқот марказининг “Ижтимоий муаммоларни ҳал этишда ижтимоий шерикликни кучайтиришнинг инновацион йўллари жорий этиш” мавзусидаги 57-11/78 рақамли грант лойиҳасининг “Вилоятда аҳолини озиқ-овқат махсулотлари билан таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар ва бу борадаги мавжуд муаммолар таҳлили ва инновацион ёндашув асосида таклифлар” номли 4-бандида кўзда тутилган вазифалар ижросида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Жиззах вилояти “Истиқбол” минтақавий тадқиқот марказининг 2019 йил 26 июлдаги 21-сон маълумотномаси). Натижада, ижтимоий имкониятларни кўрсатиб беришда ҳар хил фалсафий ёндашувлар (ахборот даври, сунъий интелект, биополитик ишлаб чиқариш ва ҳ.к.ни) ва сифатий янги ишланмаларни қўллашга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация мавзуси бўйича асосий ҳолатлар ва натижалар 4 та халқаро ва 10 та республика илмий назарий конференцияларда баён этилган ва муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосида илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола (жумладан, 3 та республика ва 2 та хорижий илмий журналда) нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат, диссертациянинг ҳажми 124 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг “**Кириш**” қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, республика фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишлари, диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси ҳамда унинг хорижий илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари,

объекти, предмети, усуллари ёритилган. Шунингдек, илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва илмий-амалий аҳамияти тавсифланган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Ҳозирги замон нанотехнологиялар тараққиётининг илмий-назарий асослари”** таҳлилига бағишланган бўлиб, у уч қисмдан иборат. Бобнинг **“Нанотехнология” тушунчасининг фалсафий таърифи ва тавсифи**” деб номланган биринчи параграфидан нанотехнология тушунчасининг мазмуни, унинг таърифлари ва моҳияти тадқиқ этилган.

Нанотехнология тушунчаси учун тугал ва аниқ таъриф йўқ, аммо мавжуд микротехнология асосида бу ўлчамларни нанометрдаги технология деб юритиш мумкин. Шунинг учун микродан нанога ўтиш бу моддани бошқаришдан атомни бошқаришга ўтиш демакдир.

Нанотехнологиялар соҳасини тадқиқ этган олимлардан бири В.А.Цикин таъкидлаганидек, “Нанотехнологиялар – бу алоҳида атомлар ва молекулаларни бошқариш орқали анъанавий технологик усуллар билан олинмайдиган, тубдан янги хусусиятларга эга бўлган янги тузилмалар ва материалларни яратадиган технологиялар ва техникалар тўпламидир”¹.

Н.П.Горбунов ва бошқа муаллифларнинг таъкидлашича, “нанотехнология, биринчидан, атомларни лойиҳалаш технологиялари, иккинчидан, илмий тадқиқотлар ва илмий изланишларни ташкил этиш учун мавжуд бўлган ихтисослашган тизимнинг асосий вазифасидир, учинчидан, бизни янги билим даражасида дунёни яхлит идрок этишга ундайдиган фалсафий тушунча”². Бизнинг фикримизча, ушбу тадқиқот доирасида нанотехнологияни фалсафий тушунча сифатида кўриб чиқишда ушбу атамани алоҳида интеграл тушунча сифатида ишлатиш мақсадга мувофиқ бўлади. Шунинг учун, нанотехнология орқали биз замонавий фан ва технологияларнинг марказидан жой олган табиий фанлар, илмий-техник ва ижтимоий-гуманитар билимларни қамраган фанлараро илмий соҳани янада чуқурроқ англаймиз.

Бизнингча, нанотехнология – янги хусусиятларга эга асбобларни ўрганиш ва яратиш мақсадида атомлар, молекулалар тўпламларини ўрганиш ва манипуляция қилиш билан шуғулланадиган фан ва технология соҳасидир. Нанотехнология — бу фанлараро йўналтирилган бир вақтнинг ўзида ҳам билим ва лойиҳадир. Унинг постноклассик даври фанларидан асосий фарқи ҳам шундадир. Қанчалик нанотехнология тадқиқот соҳасида фанлараро ҳисобланса, шунчалик янги технологияда онг назарияси фанлараро даражада ривожланиши керак. Шу билан бирга, инсоннинг материяни тобора чуқур ўрганиши, нанообъектларни сунъий равишда яратиши, бизнинг олам ҳақидаги тасаввурларимизга кескин таъсир кўрсатувчи янги реаллик

¹Цикин В.А. Философский дискурс феномена конвергенции супертехнологий в обществе риска: [монография] / В.А.Цикин. – Суми: МакДен, 2012. С.52.

²Горбунов Н.П. Нанотехнологии – приоритетные направления инновационной деятельности Украины / Горбунов Н.П., Зеленская И.И., Зеленский О.И. // Научные журналы НТУ «ХПИ»: Энергосбережение. Энергетика. Энергоаудит. –Харьков: НТУ «ХПИ», 2010. №3. С.78.

дунёсини барпо этади. Нанофан илмий муомалага тушунчаларнинг янги тизимини киритди, тадқиқот объектини, илмий билиш стратегиясини ўзгартирди. Шубҳасиз, табиатшуносликнинг аксарият фундаментал принципларини ўзгартириб юборадиган янги илмий парадигмаларни шакллантирмоқда.

Ҳозирги вақтда нанотехнология соҳасидаги фаолият асосан илмий, техник ва футурологик жиҳатларга қаратилган. Аммо нанотехнологиялар ва наномаҳсулотлар кундалик ҳаётнинг ашёларига кириб борганлиги сабабли, улар асосан илмий ва техник нуқтаи назардан мавжуд бўлган нарсаларга ўхшамайди. Шу сабабли, нанотехнологияни илмий ва технологик фаолиятнинг янги соҳаси сифатида фалсафий ўрганиш, айниқса улардан фойдаланиш оқибатлари умумий илмий ва амалий жиҳатдан ҳам жуда муҳим ва долзарб ҳисобланади. Шундай қилиб, нанотехнология замонавий маданиятнинг мураккаб, тизимли ходисасидир. Нанотехнология бугунги кунда маданиятнинг турли соҳаларида: илм-фан, таълим, санъат, эстетика, этика соҳаларида эътироф этилган. Нанотехнология фан ривожланишидаги табиий замонавий босқичдир.

Бобнинг **“Нанотехнологияларнинг генезиси ва эволюцияси”** деб номланган иккинчи параграфидан нанотехнологиялар генезиси ижодий фаолиятнинг тарихан дастлабки кўринишларидан бошланганлиги, техниканинг инсон фаолияти соҳаси сифатида қадимги даврдан бошлаб файласуфларни қизиқтириб келганлиги, Қадимги Юнон ва Рим, Уйғониш даври ва Янги давр файласуфлари техникани назарий ҳамда амалий жиҳатдан таҳлил қилишга ҳаракат қилганлиги, унинг фалсафий маъносини очиб бериш учун фаолият кўрсатганлиги хусусида ҳам тўхталиб ўтилади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, нанотехнологиялар шаклланиши ва ривожланишининг тарихий-мантқиқий жараёни инсон томонидан материяни мақсадли манипуляция қилиш йўлида куйидаги асосий босқичларни босиб ўтган:

1. 1959 йилга қадар тайёргарлик босқичи (“прото-нанотехнология” даври). Бу босқич атомизмнинг асосланишидан (милоддан аввалги В - ИВ асрлар, Демокрит) бошланади ва 1959 йилгача давом этади, шунда Р.Фейнман тегишли ўлчамдаги манипулятор ёрдамида битта атомни механик равишда ҳаракатлантириш мумкинлигини таъкидлаган.

2 1960-1999 йиллар – шаклланиш босқичи. Нанотехнологияларнинг предметли-мантқиқий даражасининг шаклланиши ва ривожланиши даври. Ушбу босқич “нанотехнология” атамасининг илмий муомалага киритилиши (1974, Н. Танигучи), сканерлаш туннел микроскопининг (СТМ) ихтиро қилиниши (1981, Г. Бининг, Г. Рохрер), сканерлаш микроскопларини йиғиш, фуллереннинг кашф этилиши (1985, Э. Крото, Э. Смаллей ва Э. Сурл) ва нанотехнология асосида биринчи транзистор яратилиши (1998, Деккер).

3. 2000 йилдан – ривожланиш босқичи. Нанотехнологиялар ривожланишининг замонавий даври, уни замонавий фан ва техниканинг юқори технологияли соҳаси, ўзига хос илмий ва амалий соҳаси сифатида нанотехнологиянинг яқуний шаклланиши даври деб таърифлаш мумкин.

Ушбу босқичда нанотехнологияларни тижоратлаштириш ва уларни саноат жараёнига киритиш бошланди. Нанотехнология соҳасидаги мутахассисларни тайёрлаш учун таълим технологиялари пайдо бўлмоқда.

Ушбу даврийликка кўра, нанотехнологиянинг ривожланиши ҳар бири сегментларга бўлинган билимлар (фан) ва фаолият соҳаси (технология) нинг ўзаро боғлиқлиги сифатида намоён бўлиши мумкин. Бундан ташқари, билим соҳасининг ҳар бир сегменти фаолият соҳасининг маълум бир сегментига мос келади.

Нанотехнологиялар ривожланишининг ҳозирги тенденцияси унга нисбатан фалсафий ёндашувларда ҳам ўз ифодасини топмоқда. Ҳозирги даврда нанотехнологиянинг ривожланиши маълум илмий натижаларга эришиш ёки янги технологияларни жорий этиш билан чекланмайди. Ижтимоий-гуманитар контекстдаги нанотехнология тушунчаси инсон, жамият ва цивилизациянинг келажакдаги ўзгариши концепциясидир. Бизнинг онгимиз мавжудликнинг кучли янги ўзгаришларига тайёрми? Бу саволга аниқ жавоб бериш мумкин эмас, чунки бугунги кунда бизда замонавий технологияларга нисбатан умумий ва яхлит қараш мавжуд эмас. Наноконвергенция жараёнларини жорий этиш шароитида синергетик жиҳатдан бирлаштирилган илмий изланишлар ва муҳандислик лойиҳаларининг янги техник-илмий амалиётини шакллантириш замонавий фан ва технологиялар фалсафаси учун фанлараро аҳамиятга эга бўлган бир қатор янги муаммоларни келтириб чиқармоқда. Ушбу саволларга жавоб бериш учун ўз тадқиқот доирасини кенгайтириш ва ўзгартириш, аввалги фалсафий қарашларни қайта кўриб чиқиш ва янгиларини қуриш зарур. Шу билан бирга, замонавий нанотехнология шаклланаётган соҳалараро сифат жиҳатидан янги вазиятни конструктив англаш натижасида ҳосил бўлган фалсафий тажрибалар алоҳида қизиқиш уйғотади.

Мазкур бобнинг учинчи параграфи, **“Нанотехнологиялар тараққиётининг синергетик таҳлили”** деб номланади. Унда ҳозирги замон нанотехнологиялари тараққиёти фалсафанинг замонавий методологияси бўлмиш синергетик нуқтаи-назаридан таҳлил қилинган.

“XX аср охирида илм-фан оламида пайдо бўлган нанотехнологиялар фан-техника тараққиётининг янги босқичига яқун яшаш баробарида XXI асрга қадам қўйган инсониятнинг синергетик тафаккур келажакда ҳам ана шу соҳа билан чамбарчас боғлиқ эканини кўрсата бошлади”¹. Худди космик саёҳатлар, ҳарбий тўнтаришлар, интернет ва турли алоқа воситалари ўз вақтида қандай шов-шувлар билан қарши олинган бўлса, мазкур тушунча ҳам оммавий ахборот воситаларининг эътиборини шу даражада торта бошлади.

Ҳозирги замон нанотехнологиялар соҳасини тадқиқ қилиш, турли хил ёндашувлар асосида ўрганиш орқали у ҳақида муқобил таълимотлар вужудга келади. Бугунги кунда нанотехнологиялар соҳасига оид ёндашувларни классификациялашда унга нисбатан синергетик ёндашувнинг аҳамияти

¹ Тўраев Б.О ва бошқ. Синергетика: моҳияти, қонуниятлари ва амалиётда намоён бўлиши. -Т.: “Наврўз”, 2017. 286-б.

долзарб бўлмоқда. Шу билан бирга, “Инсоният XXI асрда техноген цивилизация даврида яшаётган экан, инсоннинг ҳаётини кўркамлаштириш, қулайлаштириш ва гўзаллаштириш учун кенг имкониятлар эшиклари очилди. Бу эса ҳар бир инсондан ўзлигини англашни ва унга мураккабликнинг моҳиятини тўғри англашувчи синергетик тафаккур берган имкониятлардан кенг фойдаланишни талаб этади”¹.

Синергетиканинг нанотехнологиялар соҳасига ҳам тадбиқ этилиши ҳам объектив зарурат ҳисобланади. Ҳозирги кунда нанотехнологияларни турли соҳаларга жалб этиш замон талаби ҳисобланади. Масалан, иқтисодиёт соҳасини мисол қилиб оламиз. Жамиятда иқтисодий соҳани ривожлантириш учун, мавжуд анъанавий усуллардан воз кечиш, унинг ўрнига янги самарали усуллардан ўринли фойдаланиш зарурати туғилади. Бу айти пайтда иқтисодиётнинг сифат жиҳатдан янгиланишига, ишлаб чиқариш самарадорлигининг юксалишига ва вақтнинг тежалишига олиб келади.

Биз юқоридаги таъкидлаб ўтганимиздек, иқтисодий соҳада асосий фаолият олдимишга қўйган мақсадга нафақат оддийдан мураккабга, эскидан янгига, паст самарадорликдан юқори сифатли маҳсулдорликка эришиш тамойили асосида, балки тез ва қисқа муддатда ижобий натижага янги усулларни жорий этган ҳолда эришиш имкониятини нанотехнология соҳаси ва янги нанофан кўрсатиб бермоқда.

Нанотехнологиянинг “синергетик равишда ривожланаётган” юқори технологияларнинг “тармоқ ядроси” сифатида истиқболларини ва охири-оқибат, инсоният цивилизациясининг ишлаб чиқариш ва ривожланишининг янги усули сифатида муносиб баҳо бериш синергетик таҳлилни талаб қилади. Нанотехнологияни тушунишда фалсафанинг барча: дунёқараш, онтологик, эпистемологик, аксиологик, методологик ва праксеологик функциялари иштирок этиши талаб қилинади. Нанотехнологиянинг “мифологияси” бугунги кунда қандай ижтимоий-маданий эътиқодлар, стереотиплар ва нотўғри қарашлар мавжудлигини кўрсатади. Бироқ, онтологик жиҳат нанотехнология ижтимоий-маданий ҳодиса сифатида унинг ўзига хос маъносини очиб беради. Аксиологик жиҳат нанотехнологиянинг қадриятлари, идеаллари ва нормалари ва уларнинг ижтимоий-маданий амалиётда қандай амалга оширилишини очиб беради. Ахлоқий мезон қайси нанотехнологик ишланмалар ва тадқиқотлар ахлоқий жиҳатдан мақбул эканлигини кўрсатади. Нанофилософия, биринчидан, нанотехнология феноменини бир бутун сифатида ўрганишга имкон беради, иккинчидан, нафақат унинг ички ривожланишини, балки инсоният ҳаётида, жамиятда ва маданиятдаги ўрнини фаннинг классик бўлмаган пост-концепцияси нуқтаи назаридан тушунишга, шунингдек, учинчидан, эътиборга олишга имкон беради.

“Нанотехнологияларнинг онтологик табиати ва гносеологик хусусиятларини синергетик парадигмалар асосида ўрганиш” деб

¹ Тўраев Б.О ва бошқ. Синергетика: моҳияти, қонуниятлари ва амалиётда намоён бўлиши. -Т.: “Наврўз”, 2017. 286-б.

номланган диссертациянинг иккинчи боби учта параграфни ўз ичига олиб, мазкур бобнинг биринчи параграфи **“Наноборлиқ – нанотехнологияларнинг онтологик манбаи ва унинг синергетик табиати”** деб номланган. Унда наноборлиқ тушунчаси, унинг фалсафий мазмун-моҳияти ва унга янгича илмий таърифлар келтирилган. Шу билан бирга наноборлиқ тушунчаси ҳақида кўплаб чет эл олимларининг мулоҳазалари ҳамда уларнинг ҳам илмий-фалсафий таърифлари

Наноолам инсоннинг нанотехнологиялар воситаси билан унинг ресурслари томон кириш ҳуқуқини олган олам борлигининг даражаларидан биридир. Наноборлиқ тушунчаси нанотехнологиялар томонидан ишлаб чиқарилган ялпи сифатни ўз ичига олади. Нанореаллик билан бугунги кунга келиб аввалдан яратилган наномоддалар сонини аниқлаш мумкин, лекин наноборлиқ билан уларни аниқлаш мумкин эмас, зеро, улар фақат инсон борлигининг тимсолини ўзгартиради, лекин онтологик моҳиятини чиқара олмайди. Шу тарзда, А.И.Путилин томонидан киритилган “нанореаллик”¹ атамаси ижтимоий маданий воқелик учун, лекин биринчисининг негизида ётувчи онтологик воқелик учун эмас, балки у актуал воқеликдир.

Бобнинг **“Нанотехнология мураккаб моддий тузилиш ва гносеологик хусусиятга эга бўлган синергетик типдаги табиий-технологик жараён”** деб номланган иккинчи параграфда нанотехнологиялар соҳаси мураккаб бир тизим сифатида талқин этилади.

Нанотехнологиялар соҳасининг асосий муаммоларини тадқиқ этиш жараёнида, нанотехнологиялар фалсафий жиҳатдан қандай маънони англатишининг тўлиқ таърифи мавжуд эмаслиги хусусида, нанотехнологиялар соҳасини мураккаб система сифатида тадқиқ қилиш жараёнида эса система тушунчаси ҳақида, нанотехнологияларнинг чизикли ва ночизиклилик муносабатларида таҳлил қилиб ўтилган.

Синергетика асосчиларидан бири Г.Хакеннинг фикрича, “бизни қуршаб турган борлиқда инсон ва инсоният жамиятидан мураккаброқ тизим йўқ. Шунинг учун ҳам уларни ўрганишда илмий тафаккур ҳозиргача сезиларли ютуқларни қўлга киритди, деб айтиш у қадар тўғри эмас”². Чунки, нотирик табиат билан тирик табиат, материя ва онг (ғоя, рух, маънавият) орасига, табиат билан жамият ўртасига кўринмас тўсиқ, жарлик қўйилган дифференциаллашган анъанавий илмий билимда бунинг учун зарурий шароитнинг ўзи йўқ эди. Аксинча, фан ўз тараққиёти давомида секин-аста жамият, табиат ва инсон ҳаётига таҳдид солувчи вайронкор кучга айлана борди³. Айнан шунинг учун ҳам нанотехнологиялар соҳаси инсониятнинг муаммоларини, мураккабликларни, тартибсиз ва беқарор ҳолатларга барҳам беришни мақсад қилувчи мураккаб механизм сифатида майдонга чиқди.

¹ Путилин А.И. Нанотехнологии и социум. Учебно-информационный материал. 2007 г.электронный ресурс: <http://filosof.historic.ru/>

² Хакен Г. Синергетика. –М., 1986. С.67

³ Тўраев Б.О ва бошқ. Синергетика: моҳияти, қонуниятлари ва амалиётда намоён бўлиши. -Т.: “Наврўз”, 2017. 92-б.

Мазкур параграфда мураккаб система сифатида ўрганилаётган нанотехнологияларнинг чизиқли ва ночизиқлилик муносабатларида таҳлил қилиш методологик жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги замон нанотехнологиялар соҳаси ниҳоятда кўп тармоқли, мураккаб тизимга айланганлиги сабабли унинг ривожланишида нозиқлилик хусусияти кўпроқ намоён бўлади. Бундай ривожланишнинг табиатини синергетик ёндашув орқалигина таҳлил этиш мумкинлиги асослаб берилган.

Бобнинг **“Нанотехнологиялар тараққиётида ўз-ўзини ташкиллаш жараёнининг гносеологик хусусиятлари”** деб номланган учинчи параграфда нанотехнологиялар соҳасида айнан ўз-ўзини ташкиллаштириш ҳолатлари мавжудлиги, бу тадқиқот объектини синергетика нуқтаи-назаридан ўрганиш тадқиқот ишининг самарадорлигини ошириши каби масалалар таҳлил этилган. “Ўз-ўзини ташкиллаштириш – четдан келадиган таъсирсиз, ўзи-ўзидан ҳаракатланишнинг муҳим намоён бўлиши; шу билан бирга ўз-ўзини бошқаришнинг асосидир; умум ҳолатда хусусий, ҳудудий қисмнинг мавжудлик шароитининг имконияти”¹. Олимнинг фикрига кўра, сунъий табиатни, одатда, инсонлар ташкил қилса, табиий табиатни, яъни элементар микроразрлардан тортиб, қуёш системаси, галактикалар, квазарлар, пульсарларгача чўзилган оламни табиатнинг ўзи, оламнинг ўзи ташкил қилади. Олам ва унинг айрим қисмлари, системалари ўзини-ўзи ташкил қилади. Яъни, система ташқи таъсирсиз ўз-ўзидан ташкилланади. Нанотехнологиялар соҳасида ҳам айнан шу жараён такрорланади. Яъни, инсонлар кўзи илғамайдиган барча жонли ва жонсиз нарсалар ўзини-ўзи ташкил қилади. Синергетиканинг вазифаси жонсиз табиатда ҳам, жонли табиатда ҳам, ҳайвонот дунёсида ҳам, инсонлар жамиятида ҳам субъектнинг ташкилотчилиқ қобилиятидан ташқари объектив активлик борки, кўп нарсалар инсон таъсирсиз ҳам ташкил қилинаверади. Тадқиқотимиз мақсадидан келиб чиқсак, нанотехнологиялар соҳасида ҳам система ичидаги таъсир сифатида мураккаб механизм элементларининг ўз-ўзини ташкиллаштиришида муҳим ўрин тутади. Ваҳоланки, синергетикада ҳам системалар ўртасидаги модда ва энергия, ахборот алмашинуви назарда тутилади. Нанотехнологиялар соҳасини таҳлил этарканмиз, система ичидаги элементлар таъсири туфайли ўз-ўзидан ташкиллашиш инкор этилмайди.

Нанотехнологиялар соҳаси ҳам ўз-ўзини ташкиллаштирувчи мураккаб тизим ёки механизм сифатида эътироф этилади. Унга кўра нанотехнологиялар атом ва молекулалар билан ўзаро манипуляцияга киришиш мобайнида ўз-ўзини ташкиллаштиради ҳамда ана шу молекулалар орқали янги бир механизм шакллантирилади. Масалан, табиатдаги энг кичик тирик организмлардан бўлмиш чумоли, асалари сингари жонзотлар нанообъектларнинг ёрқин прототипидир. У табиатда ҳеч қандай ташқи таъсирларсиз шаклланган. Инсоният уни бир модел сифатида ундан андоза олиб қайта механизмга айлантирган.

¹ Файзуллаев О. Фалсафа ва фанлар методологияси. Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ, 2006. Б. 12.

Диссертациянинг сўнгги учинчи боби “**Ўзбекистон технологик тараққиётида нанотехнологияларни ҳаётга тадбиқ этишнинг синергетик асослари**” деб номланади. Мазкур бобнинг “**Ҳозирги даврда нанотехнологиялардан фойдаланишда синергетик ёндашувнинг зарурияти**” деб номланган биринчи параграфида яқин ўн йилликларга мўлжалланган илмий-техник тараққиёт истиқболлари инсониятнинг ишлаб чиқариш қудратларини бир неча бор орттирувчи ахборот технологиялари (ГРИД, квантли компьютер, нейрон тармоқлари) нанотехнологиялар, термоядро энергетикаси ва бошқа технологияларнинг ривожланиши билан боғлиқлиги кўриб чиқилган.

